

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



АДОЛАТ ВА ҲАЛОЛЛИК БОР ЖОЙДА БАРАКА БЎЛАДИ

Тошкент – Андижон йўналиши бўйича ҳаракатланаётган темир йўл поезде довои оша борар экан юртимизнинг жаннатмонанд қиёфасио бетақрор табиати, эришаётган ютуқларига муносиб ҳисса қўшаётган олийжаноб халқ кўз олдинда гавдаланади. Борлиқдан баҳраманд бўлиб, шинам ва ёруғ, барча қулайликларга эга поезд вағони Андижон темир йўл вокзалига етиб келганини ҳам билмай қолибмиз...

Водий табиатига монанд майин шабада кишининг бахри-диллини очади. Шаҳар марказини кўркам бинолар ва анвойи гуллар безаб, шиддат билан ўтаётган даврда Андижон ҳам илгарилаб бораётганини кўрсатиб турибди. Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин тутиши, ютуқ ва марраларга эришишида андижонликларнинг улкан ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Хизмат сафарини уюштирар эканмиз вилоятда амалга оширилаётган ишлар, инсон манфаатларини таъминлаш ва халқни рози қилиш йўлида соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган эзгу фаолиятлар билан танишишни мақсад қилдик.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган вақт мобайнида вилоятга ташрифи чоғида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт муассасалари учун мослаштирилган янги бинолар қуриш, уларни замонавий жиҳозлаш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини янада ошириш бўйича вазифаларни белгилаб берган эди. Шу билан бирга, жорий йилнинг 16-17 май кунги ташрифи давомида яна бир бор бошқа соҳалар қатори тиббиёт тизимига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Андижон туманидаги Хортум кишлоғида жойлашган йилига 10 миллион флакон инсулин дори воситаси ишлаб чиқариш қувватига эга завод фаолияти билан ҳам танишиб, керакли маслаҳат ва топшириқларни берган эди.

Айтиш жоизки, биргина 2017 йил "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да вилоятнинг 2 миллион нафардан зиёд аҳолисига 10 минг 441 та шифо ўрнига эга бўлган 37 та шифохона, 38 минг 865 қатновга мўлжалланган 193 та амбулатория-поликлиника муассасаларида тиббий хизмат кўрсатилди.

(Давоми 3-бетда).



ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳномлигида барча соҳалар тараққиётини белгилаш борасида кенг қўлмали халқаро ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилмоқда. Жумладан, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш ҳамда тиббий таълим тизими фаолиятини янада яхшилаш масалаларида ҳам. Маълумки, Юртбошимизнинг ўтган йили Жанубий Корея Республикасига амалга оширган давлат ташрифи доирасида бошқа ижтимоий-иқтисодий тармоқлар каби тиббиёт соҳасида ҳам қатор ҳамкорлик шартномалари имзоланган эди.



Ушбу ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 7 июнь куни Тошкент тиббиёт академиясида Корея университети билан ҳамкор-

ликда ташкил этилган Ҳамкорлик илмий-тадқиқот марказининг очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбирнинг очилиш қисмида Соғлиқни сақ-

лаш вазирлигининг мутасадди раҳбарлари сўзга чиқиб, мамлакатимиз ва Жанубий Корея Республикаси ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорликларнинг ривожланиш истиқболлари, шунингдек, соҳа тараққиёти, юқори салоҳиятли инновацион технологиялар билан ишлаш тажрибаси, тиббий таълим тизими ҳамда малакали ёш кадрлар тайёрлашда узққни қўзғаб амалга оширилаётган фаолиятлар, албатта, ўзининг ижобий самарасини бериши, шу билан бирга, бу борадаги ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиб бораверишини ҳам алоҳида таъкидлади. Шунингдек, Тошкент тиббиёт академиясининг ректори Лазиз Тўйчиев сўз олиб, айнаи пайтга қадар академия ва кўплаб хорижий мамлакатларнинг тиббиёт олий ўқув юртра-



ри, нуфузли клиникалари ўртасида ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилганлигини айтиб, улар орасида Жанубий Кореянинг тиббиёт муассасалари алоҳида ўрин эгаллашини эътироф этди. Айнаниқса, сўнги йиллар мобайнида академияда хорижий тилларни яхши ўзлаштирган профессор-ўқитувчи ва магистр талабалар кўпайиши натижасида ушбу мамлакат тиб-

биёт университетлари билан алоқаларнинг мустаҳкамла-нишига қизиқиш ортиб бораётганлигига ҳам урғу қаратди.

Шундан сўнг, марказ биносининг фойдаланишига топширилиш маросими ўтказилди ва у ерда яратилган шартшароитлар билан тадбир иш-тироқчилари яқиндан таниш-тирилди.

(Давоми 2-бетда).

Семинар

ХУСУСИЙ ТИББИЁТ РИВОЖИГА НИМА ТЎСИҚ БЎЛМОҚДА?

Соғлиқни сақлаш вазирлигида Республика Бош прокуратураси билан ҳамкорликда 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурининг ижросини таъминлаш юзасидан "Коррупцияга қарши курашиш соҳасида лицензияловчи орган мансабдор шахслари ва ходимларининг масъулиятини янада ошириш" мавзусида семинар ташкил этилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаларининг тиббий фаолиятни лицензиялаш бўйича мутахассислари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси масъул ходимлари иштирок этди.



Семинарда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш ва давлат хизматлари кўрсатиш борасида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар, янги тартиб-тамоиллар, тиббий хизматни лицензиялаш жараёнида қонунийлик, шаффоқлик, адолат принципларига риоя этиши, бу тизимда коррупциянинг олдини олишда мутасаддилар зиммасидаги вазифалар хусусида сўз юритилди. Халқаро валюта жамғармасининг маълумотига кўра, дунёда коррупция ва порахўрлик натижасида йи-

лига 1,5-2 триллион доллар маблағ ўзлаштирилиб, жаҳон иқтисодиётига жуда катта зарар етказилмоқда. Бу муаммо мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Жумладан, тиббий тизимда ҳам бундай ҳолатлар учраб турибди. Жорий йилнинг ўтган 4 ойи мобайнида соҳанинг турли йўналишларида ана шундай ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйган 28 нафар мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббийнинг барча бўғинида бун-

дай муаммоларнинг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, тиббий хизматни лицензиялаш жараёнида очиқлик, ошкоралик, қонунийликни таъминлашга устувор аҳамият қаратилмоқда. Шу мақсадда соҳага ахборот-коммуникация технологияларига асосланган замонавий усуллар татбиқ этилган.

Президентимизнинг 2017 йил 1 апрелдаги "Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда. Ушбу қарорга мувофиқ, хусусий тиббий тасу-сасалари шугулланиши мумкин бўлган тиббий ихтисосликлар 50 тадан 126 тага кўпайди. Хусусий клиникаларга давлат томонидан қатор молиявий имтиёзлар берилмоқда. Бундан ташқари, лицензия олиш учун берилган аризани кўриб чиқиш муддати 30 кундан 20 кунга қисқартрилди, лицензия олиш учун тўланадиган давлат божи энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан 5 бараваригача камайtirилди.

– Бундай имтиёз ва имкониятлар туфайли қисқа муддатда, яъни сўнги бир йил ичида 202 та хусусий тиббий муассаса ўз фаолиятини кенгайтirdи, 300 таси янгидан ташкил этилиб, хусусий тиббий муассасаларининг умумий сони 4200 тадан ошди, – дейди республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Алишер Шадманов. – Ана шундай ютуқлар билан бирга ҳали олдимизда ечимини кутиб турган муаммолар

ҳам талайгина. Бу вазифаларни бажаришда қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир тиббий ходими фаолиятининг кундалик қондасига айланиши керак. Буни тиббий хизматни лицензиялаш билан шугулланувчи органларнинг раҳбар-мутахассислари ҳам яхши англаши лозим. Шундагина соҳада адолат қарор топади. Адолат, ҳалоллик бор жойда ишда унум, барақа

лантиришга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар борлиги ҳам қайд этилди. Масалан, бу йўналишда фаолият юриштириш истагида бўлган тадбиркорларга ер ажратиш ёки давлат мулкни хусусийлаштириш, уларга тижорат банклари орқали кредитлар ажратиш билан боғлиқ жараёнлар мурраккаблигича қолмоқда. Шунингдек, хусусий тиббий тасу-



бўлади. Семинарда соғлиқни сақлаш тизимида бу йўналишда ўзига хос натижалар билан бирга, хусусий тармоқни ривож-

хасига чет эл инвестицияси ва малакали мутахассисларини жалб этиш ишлари ҳам талаб даражасида эмас.

Тадбирда бу борадаги муаммоларни бартараф этиш, тиббий хизматни лицензиялашда қонунийликни таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш соҳасида лицензияловчи орган мансабдор шахслари ва ходимларининг масъулиятини янада ошириш, хусусий тиббийни ривожлантириш, соҳага илм-фан ва инновацион технологияларни кенг татбиқ этиш, халқимизга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш билан боғлиқ устувор вазифалар ҳам белгиланиб олинди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Ахборот хизмати.

ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК



Ли Ки Хён,
Корея университетининг
тиббий саволлари
бўйича вице-
Президенти:

– Мамлакатингиз Президентининг ўтган йили Корея Республикасига қилган ташрифи икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг янада ривожлани-

(Давоми. Боши
1-бетда).

шида муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, ушбу фаолиятлар ҳам фикримни тасдиқлайди. Ҳамкорлик марказининг ташкил этилиши ва унга ўрнатилган юқори технологияли асбоб-ускуналарга асосланиб айтишим мумкинки, у нафақат мамлакатингизда, балки яқин ўрта Осиё давлатлари орасида замонавий ва ягона муассаса ҳисобланади. Марказ ишлаб чиқаришда экологик назоратни ўрнатиш мақсадида фаолият олиб боради. У сув, туп-

роқ ва ҳаводан олинган намуналар устида текширувлар ўтказишга мўлжалланган энг сўнги техник қурилмалар билан жиҳозланган. Уйлайманки, Тошкент тиббий академияси ҳамда университетимиз ҳамкорлиги бу билан чекланиб қолмайди. Ахир марказ ўз номи билан илмий-тадқиқотлар устида иш юритади, демак, бу борадаги фаолиятларимиз узоқ муддат давом этади.

Куннинг иккинчи ярмида ҳамкорликдаги фаолиятларнинг мантиқий давоми сифатида "Клиник алмашинув ҳамда тиббий хизмат келажиги" мавзусида халқаро академик симпозиум ҳам бўлиб ўтди. Тадбирни Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Эльмира Баситханова кириш сўзи билан очиб, мавзу доираси ҳамда икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик борасидаги фаолиятларга тўхталди. Анжуманда мамлакатимиз ҳамда Корея давлати мутахассислари ўзларининг соҳа тараққиётида муҳим аҳамият касб этувчи муаммоларга бағишланган илмий маърузаларни симпозиум иш-



тирокчилари эътиборига ҳавола қилди. Тадбир доирасида пластик хирургия, шунингдек, атроф-муҳит ва инсон саломатлигига оид долзарб мавзулар ҳам атрофлича муҳокама

қилинди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш муҳимки, йиғилишлар давомида ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган меморандум ҳам имзоланди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, йиғилишда кўриб чиқилган масалалар, аввало, мамлакатимизда инсон саломатлигини мустаҳкамлаш борасида замонавий тажрибаларни амалиётга жорий этиш, Корея тажрибаси асосида Тошкент тиббий академиясида соғлиқни сақлаш ҳамда таълим соҳасини такомиллаштиришга хизмат қилди.

Ҳасан АБДУФАНИЕВ.
Саҳифадаги суратлар муаллифи Ақром АБДУЛЛАЕВ.

Тошкент тиббий академиясининг
Фарғона филиали қайта тикланди

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Тошкент тиббий академиясининг Фарғона филиалига абитуриентлар ўқишга қабул қилинади.

Президентимизнинг 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги қарори билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фарғона вилояти ҳокимлигининг 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Тошкент тиббий академиясининг Фарғона филиалига ўқишга қабул қилишни қайтадан тиклаш ҳақидаги таклифига розилик берилди. (ЎЗА)



Юртимиз шифохоналарида

Андижон вилояти

АДОЛАТ ВА ҲАЛОЛЛИК БОР ЖОЙДА БАРАКА БЎЛАДИ

Соғлиқни сақлаш тизимида давлат бюджетидан 2017 йил 463 миллиард сўмдан ортик маблағ ажратилган бўлса, жорий йилда бу рақамлар 586 миллиарддан ошган, яъни 126 фоизга ортган.

Аҳмадали Мамадалиев, Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи:

– Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг соғлиқни сақлаш тизимини комплекс ривожлантиришга қаратилган 30 дан ортик фармон ва қарорлари, тиббиёт ходимлари билан урғувлари ҳамда вилоятимизга ташири ҳақида белгилаб берган вазифаларнинг ижроси таъминланиши натижасида оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари, тез тиббий ёрдам тизими ва ихтисослашган тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базиси мустаҳкамланди, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифати ва самарадорлиги яхшиланди. Жумладан,

олимлар иштирокида маҳорат дарслари ва мураккаб жаррохлик амалиётлари ҳам ўтказиб келинади. Хусусан, Германия, Россия, Жанубий Корея ва Хиндистон давлатларидаги етук клиника ва марказларнинг 34 нафар мутахассиси 2505 нафар мураккаб хасталикларга чалинган беморни тиббий кўриқдан ўтказиб, 92 нафарда юқори технологияли операцияларни амалга оширишди. Яна бир жиҳат, чет мамлакатларга бориб ишлаётган 29 нафар тиббиёт ходими вилоятга қайтарилган ва иш билан таъминланган. Улар томонидан чет эл тажрибаси асосида 5 та диагностик ва 12 турдаги замонавий даволас усуллари амалиётга татбиқ этилди. Вилоят "Она ва бола скрининг маркази"да биргина 2017 йилнинг ўзига тўғра гипертензия 32 минг 560 нафар бола ва 27700 нафар нафар ҳомиладор аёллар текширилди. Давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифи давомида берилган топши-

маларига тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар келтирилди. Ушбу аппаратлар билан ишлаш учун 10 ойлик курсда 80 нафар умумий амалиёт шифокори, 23 нафар гинеколог, 11 нафар кардиолог ва терапевт, 8 нафар невропатолог, 31 нафар врач-рентгенолог, 72 нафар шифокор-лаборант жами 208 нафар мутахассис қайта тайёрланди. Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган бундай кенг қўламли ислохотлар замирида инсон манфатлари ётади, албатта. Халқни тиббиётга эмас, аксинча тиббиётни халққа яқинлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий самарасини бераётгани кўчонарилади.


"Биринчи муваффақият – Марказий Осиёда ягона"

Хозирги кунда дори-дармонларга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бораётгани барчамизга аён. Аксарият, хориждан импорт қилинадиган дори воситалари



Бу жуда долзарб ижтимоий аҳамиятга эга масала. Инсулинга эҳтиёжи бор бемор дори тополмаса, ҳаёти хавф остида қолади, ҳеч қачон рози бўлмайдди. Бундай дориларнинг нархини пасайтириш, ҳамма жойга вақтида етказиб туриш керак. Одамлар шунни сезсин.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.



вилоятдаги 312 та КВП оптимallashtirilib, уларнинг ўрнида 67 та ҚОП ҳамда 85 та ҚВП ташкил қилинди. Бирламчи тизимда фаолият кўрсатишлари учун 108 нафар умумий амалиёт шифокори, 49 нафар ультравовуш диагностика, 8 нафар терапевт, 114 нафар тез ёрдам мутахассислари қайта тайёрланди. 2017 йилда 9 та қишлоқ врачлик пункти ва 7 та янги ташкил қилинган қишлоқ оилавий поликлиникада 10,8 миллиард сўмлик қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилиб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, 23 та ҚВПда тез тиббий ёрдам шохобчалари ва 28 тасида ихтимоий дорихоналар ташкил қилинди. Янги белгиланган метрларга асосан бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида 3 минг 494 нафар патронаж ҳамшираси фаолият юритмоқда, уларнинг барчаси патронаж сумкалари билан таъминланган. Вилоятдаги 17 та тез тиббий ёрдам бўлими ва 103 та тез тиббий ёрдам шохобчасига 134 та янги "Дамас", 9 та "Nissan" ва 14 та "Хондай" русумли, жами 168 та автотранспорт воситаси берилди, қўшимча 48 та бригада ташкил қилиниб, улар сони 214 тага етказилди. Шу билан бирга, 2017 йилда ихтисослашган тиббий ёрдамни аҳолига яқинлаштириш мақсадида Асака, Балиқчи, Кўргонтепа туманлар тиббиёт бирлашмалари марказий шифохоналари негизда 70 ўринли туманлараро эндокринология ва Асака, Жалақудук, Избоскан туманлари марказий шифохоналари негизда 65 ўринли туманлараро кардиология бўлими ташкил этилган. Бунинг баърида, хорижлик етакчи

риқлар ижроси борасида ҳам қўлаб ишлар бажарилмоқда. Жумладан, 2017-2018 йилларда 6 та тиббиёт муассасасида жами 46,5 миллиард сўмлик қурилиш-реконструкция ва 3,5 миллион АҚШ доллари қийматида жиҳозлаш ишларини амалга ошириши белгиланган. Пахтаобод ТТБ "Маданият" худудий бўлими капитал таъмирланди. Андижон шаҳар собиқ 2-сонли болалар шифохонаси худудидаги бинода 100 қатновли ва 100 ўринга мўлжалланган Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази Андижон филиали биноларида қурилиш-монтаж ишлари бажарилди, фойдаланишга топширилди. Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон филиали ҳам реконструкция қилиниб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 220 ўринли вилоят юқумли касалликлар, 235 ўринли вилоят тери-таносил касалликлари диспансерларининг бинолари капитал таъмирлаш ҳамда Андижон давлат тиббиёт институтининг клиникасини таъмирлаш ишлари якунланмоқда. Автомобиль заводи 6 миллиард сўмлик ҳоийлик маблағлари ишбидан Кўргонтепа ва Бўз туманлари кўп тармоқли марказий поликлиникалари реконструкция қилиниб, замонавий тиббий аппаратлар билан жиҳозланди. Ва диагностика марказлари ташкил қилинди. 2018 йилда Инвестиция дастури асосида 23 та тиббиёт муассасаларида 43 миллиард 5200 миллион сўмлик қурилиш-реконструкция ишлари олиб бориломоқда. Бунга қўшимча 5 та қишлоқ оилавий поликлиника ва 1 та худудий поликлиника, 19 та ҚВПда маҳаллий бюджет маблағларидан реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилмоқда. 2017 йилда "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида барча шаҳар-туман тиббиёт бирлаш-

нари юқори бўлиши ҳолатлари ҳам кузатилади. Бугун ана шундай муаммоларнинг олдини олиш борасида ҳам мамлакатимизда қўлаб фаолиятлар йўлга қўйилмоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев фармацевтика тармогини ривожлантириш, импорт қилинаётган дори воситаларини маҳаллийлаштириш бўйича бир неча бор видеоселектор йиғилишлари ўтказди. Уларда берилган топшириқлар бўйича жойларда фармацевтика корхоналари ишга туширилмоқда. Шулардан бири Андижон тумани Хортум қишлоғидаги "Zamin Bio Health" масъулияти чекланган жамиятидир. Алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур завод йилига 10 миллион флакон инсулин ишлаб чиқариш қувватига эга.

Мазкур муассасада бўлганимизда у ердаги шароит, янги аппаратлар ёрдамида ишлаб чиқарилаётган инсулин дори воситаси юртимизда фармацевтика саноати тобора ривожланиб бораётганининг амалий ифодасига ғувх бўлдиқ. Қандли диабет касаллигини даволашда қўлланладиган мазкур дори воситаси мамлакатимизга чет элдан келтирилади. Заводнинг ишга туширилиши эса ушбу дори воситаси импорти ҳажми камайиши, валюта тежалиши, энг муҳими, халқ ҳамёнбоп нархда сотиб олишига эришилади. Масалан, хозирги пайтда бир флакон инсулиннинг бозор нархи 36 минг сўм бўлса, мазкур корхона бу дорини 20 минг сўмдан етказиб бериши мумкин.

Лойиҳа қиймати қарийб 28 миллиард сўм бўлган заводга Германия, Россия, Хитой, Хиндистондан замонавий ускуна ва технологиялар келтириб ўрнатилди. Эътирофлики, мазкур муваффақият юртимиз фармацевтикасига биринчи бўлиб, у Марказий Осиёда ягона ҳисобланади.

Аброрбек Юлдашев, "Zamin Bio Health" инсулин ишлаб чиқариш корхонаси сифат назорати бўлими бошлиғи:

– Фаолиятимиз давомида ишлаб чиқариш жараёнида ва тайёр маҳсулотларнинг сифатини текшириб, улар ҳақида хулоса чиқариб берамиз. Хозирги лабораториямиз, Ўзбекистонда ягона ҳисобланиб, барча микробиология текшириш анжомлари билан жиҳозланган. Буларнинг барчаси чет элдан олиб келинди. Ишлаб чиқариш жараёни ҳақида тўхталадиган бўлсак, хом-ашёни Бирлашган Араб Амирликларидан оламиз. Бу борада улар билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Келган хом ашёни микробиологик услубда ферментлаймиз. Яъни, ферментация билан борилади. Инсулин дори воситасига керакли бўлган қўшимчаларни қўйиш орқали тайёр маҳсулот ҳолига келтирилади. Бунда, энг аввало, дори воситаси инъекция бўлганлиги учун унинг стериллиги, ишлаб чиқариш жараёнида қатнашадиган асбоблар ва ходимлар стерил ҳолатида бўлиши талаб этилади. Мазкур жараённинг ўзи ҳам мураккабдир. Яъни, ҳар бир чикч заррача эътибор қаратилади. Масалан, дори қўйиш бўлимида тана аззолари 100 фоиз ёпилган бўлиши керак. Акс ҳолда дориларга микроб ёки бактериялар аралашиб қолиши мумкин. Бу эса дори воситасининг бозорга чиққанидан кейин салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Тайёр маҳсулот ҳолига келтирилгандан кейин яна бир неча босқич, яъни физик, кимёвий, биологик текширувлар амалга оширилади. Физик текширувлар ишлаб чиқариш жойининг ўзига, нури текширув жараёнлари бажарилади. Сифат назорати бўлимида кимёвий ва микробиологик текширувлар олиб борилади. У ерда микроблар мавжудлиги,

микдорий таҳлиллари қўрилади. Флаконларда қўйилишига алоҳида эътибор қаратилади. Аввало, уч хил ювувчи восита ёрдамида ҳеч қандай кимёвий унсурлар қўшилмаган ҳолда, жумладан, биринчи оддий сув, кейин 3-4 босқичда филтрланган инъекцион сув, сўнг ҳарорати 100 даражадан зиёд бўлган пар сув билан ювилади. Ва қуритиш печига ўтказиб берилади. У 300 даража ҳароратида флаконларни қуритиб беради. Унда ҳар қандай бактериялар, микроблар йўқотилади. Шунда флаконлар стерил ҳолатига келтирилади. Қўйиш бўлимига ўтказиб берилгандан кейин қуритадиган печнинг ўзи ҳам стерил ҳисобланади. Айтмоқчиманки, ҳодимларнинг ҳам, асбоб-ускуналарнинг ҳам барчаси стерилланган бўлади. Ҳар бир ходим иш жараёнига киришидан олдин ҳаво пуркажишларидан ўтади. Асбоб-ускуналар Германия, Хитой, Россия ва Япония давлатларидан олиб келинди. Бирлашган Араб Амирликлари, Германия, Хиндистон, Япония, Россия каби давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Муассасамизда 100 та иш ўрни яратилди. Келажақда буни яна кўпайтириш ниятидамиз. Хозирда кимёвий аналитика, биология ва микробиология, фармацевтика, фармсаноат йўналишларида олий маълумотли мутахассисликка эга бўлганларни ишга қабул қилаямиз. Ишлаб чиқаришдан аввал соҳа ходимларининг малака ошириши, халқаро тажрибани ўзлаштириши мақсада мувофиқ, 6 нафар мутахассисимиз Дубай, Хитой, Германияга бориб малака ошириб келишди.

(Давоми 4-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртимиз шифохоналарида

Андижон вилояти

АДОЛАТ ВА ҲАЛОЛЛИК БОР ЖОЙДА БАРАКА БЎЛАДИ

“30 йиллик орзу рўёби”

Яна бир жиҳат, Халқаро Фармокопая ҳужжати, ягона Халқаро инсулин назорати ташкилоти талабларига жавоб бера оладиган маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ушбу дори воситаси халқаро ГМП йўналишига мос келади.

Этироф этиш жоизки, «Zamin Bio Health» масъулияти чекланган жамияти томонидан кукунли антибиотик ишлаб чиқариш, вилоятда фармацевтика саноатини ривожлантиришга оид бошқа лойиҳалар ҳам амалиётга татбиқ этилмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, корхона бунёд этиш ишлари 2016 йилда бошланган эди. Чет элдан келтирилган сўнгги русумдаги замонавий технологиялар инсулин дори воситасини бугунги кун талабига мос, сифатли ишлаб чиқаришга хизмат қилади. Тайёр маҳсулот эса нафақат мамлакатимиз аҳолиси учун сотилади, балки кўшни давлатларга экспорт қилиниши ҳам кўзда тутилган. Муассаса фаолияти билан танишиш чоғида ишчиларга хавфсиз меҳнат шaroитлари ташкиллантирилгани, қулайликлар яратилгани, дам олишлар учун шинам хоналар барпо қилинганининг гувоҳи бўлдик.

“Хусусий сектор
божхона тўловларидан озод этилди”

Дарҳақиқат, бугун Андижон вилояти тиббиёт соҳасида қўлб муваффақиятларни кўлга киритмоқда. Вилоятда хусусий клиникалар ҳам фаол бўлиб, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда жонболик кўрсатишмоқда. Айтиш керакки, ушбу ҳудуд тиббиётининг 34 фоизини хусусий сектор ташкил қилади. Маълумотларга қараганда, бугунги кунда вилоятда 368 та хусусий тиббиёт муассасаларидан 246 таси амбулатор шaroитида, 122 таси стационар шaroитида 35 турдаги ихтисосликлар бўйича фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, 2018 йил 1 чорак яқини бўйича жами 32 та хусусий тиббиёт муассасаси ташкил этилди, 26 та хусусий тиббиёт муассасаси фаолияти кенгайтирилди. Уларнинг салоҳиятини ошириш мақсадида чет эллик етук мутахассислар ва клиникалар, жумладан, Германия, Ҳиндистон, Хитой, Россия давлатларининг соҳа ходимлари билан музокаралар олиб борилиб, белгиланган тартибда иш ташкил этилди.

— Муассасамиз ўз фаолиятини 2002 йилда бошлаган бўлиб, бугунги кунгача 55 нафар ходим томонидан минглаб ҳамюртларимизга тиббий хизмат кўрсатилди. — дейди Андижон шаҳридаги “Висус” хусусий клиникаси директори Абдулазиз Каримов. — Шифо масканимиз замонавий офтальмологик асбоб-ускуналар, яъни катарактни даволаш, операциялар микроскоп, диагностика жиҳози, кўз касалликларида қўлланадиган компьютер томограф, эксимерлазерлар билан жиҳозланган. Малакали мутахассисларимиз томонидан барча офтальмологик жарроҳлик амалиётлари, хусусан, катаракта, глаукома, тўр парда кўчиши каби мураккаб операциялар бажарилади. Шифохонамиз 30 ўринга эга бўлиб, кунга 100 нафарга яқин бемор қўриқдан ўтади. Охириги йилларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасини тубдан ислох қилиш ва тақомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида тиббиёт соҳасининг хусусий секторини барқарор ривожлантириш



ришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2017 йил 1 апрелдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида фаолиятимизни ривожлантиришга доир қатор шaroитлар яратилди. Хусусан, барча турдаги солиқлар ва қатор мажбурий тўловлар, шунингдек, четдан олиб келинадиган янги тиббий асбоб-ускуналар учун божхона тўловларидан озод этиш бўйича имтиёзлар берилмоқда. Бу эса фаолиятимизни янги босқичга кўтаришда, муҳими, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Берилаётган ана шундай имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда фаолиятимизни янада кенгайтириб, яқин кунларда хориждан замонавий аппаратлар келтиришни режалаштирганмиз.

(Давоми. Боши 1,-3,-бетларда).

Навбатдаги манзил Пахтаобод туманидаги Маданият қишлоғи. Таъкидлаш керакки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев вилоятга ташрифи чоғида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш соҳасини янада тақомиллаштиришга доир вазифаларни белгилаб берган эди. Қабул қилинаётган мейёр-ҳуқуқий ҳужжатлар ва берилган топшириқ ҳамда вазифалар ижроси юзасидан қўлаб эзгу ишлар амалга оширилди. Бунга мисол тариқасида, 2017 йил мамлакатимиз Конституциясининг 25 йиллиги арафасида фойдаланилган топширилган Пахтаобод туман тиббиёт бирлашмаси “Маданият” ҳудудий шифохонасини келтиришимиз ўринли. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, муассаса поликлиника, тез тиббий ёрдам хизмати, турмухона, ички касалликлар ва болалар касалликлари бўлимларидан иборат.

Ўтган 2017 йилда қарийб 30 йилдан буён фойдаланиб келинаётган поликлиника биноси капитал таъмирланди, унга қўшим-



аҳоли хизматида. Худудимиздаги 13 та маҳалла фуқаролар йиғинига 45 нафар патронаж ҳамшираси ҳамда 6 нафар тор соҳа мутахассиси тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. 3 та, яъни “Намуна”, “Андижон”, “Дўстлик” қишлоқ врачлик пунктлари оптималлаштирилиб, муассасамизга бириктирилди. Шу билан бирга, 4 та мактабгача таълим муассасаси, 8 та умумтаълим мактаби, 1 тадан касб-хунар коллежи ва академик лицейида тиббий тарғибот ишлари олиб борилди.

да “Саломатлик мактаблари”ни ҳам йўлга қўйганмиз. Тузилган режа бўйича таълим муассасаларида маҳалла фаоллари ва масъул ходимлар билан қилинган ишлар юзасидан ҳисобот берилиб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинмоқда. Яқинда “Саломатлик-3” лойиҳаси томонидан 2 та замонавий ЭКГ аппарати берилди. Яна тез кунларда УТТ, рентген ва бошқа тиббий асбоб-ускуналар берилиши режалаштирилган. Бунинг баробарида, эндокринолог, лор, невропатолог, аллерголог, пульмонолог каби тор соҳа мутахассисларига бўлган эҳтиж ҳам бартараф этилиши кўзда тутилган.

Муассаса ҳовлисидаги тозалик, кўркам ва шинам бинолар ҳар бир кишининг қалбида ҳавас туйғусини уйғотади. Бу қайта қўлайликлар нафақат аҳолига, балки соҳа ходимларининг фаолиятида ҳам янгилик киритди.

— 18 йилдан буён мазкур муассасада фаолият юритиб келаман, — дейди умумий амалиёт шифокори Нилуфар Деҳқонова. — Менга “Мустаҳкам” маҳалла фуқаролар йиғи-



ча бинолар қурилди. Қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳамда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун қарийб 4 миллиард 600 миллион сўм маблағ сарфланди. Натижада бугунги кунда 46 мингдан зиёд аҳолига сифатли ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш имкониятлари янада кенгайди.

Мўтабархон Набижонова, Пахтаобод туман тиббиёт бирлашмаси “Маданият” ҳудудий шифохонаси бўлим бошлиғи:

— 1995 йилдан буён шу муассасада ишлайман. Шифохонамиз 1989 йилдан иш бошлаган бўлса, шу пайтга қадар таъмирланмаган эди. Томдан чакки ўтар, сув ва канализация тизими ишдан чиққан эди. Мана, бугун Президентимизнинг топшириқларига биноан муассасамиз капитал таъмирланди, қўшимча бинолар қурилди. Ички касалликлар, терапия, болалар, туғруқ, поликлиника, бўлимлари ҳам тубдан таъмирланди. 4 та қозонхона қурилиб, бугунги кунда ишламоқда. Бу эса фаолиятимизни янги босқичга кўтарди. Шифохонамиз “Маданият” ҳудудидики окулист, кардиолог, жарроҳ, педиатр, терапевт, акушер-гинеколог, стоматолог, 10 нафар УАШ, жами 30 нафар шифокор томонидан тиббий хизмат кўрсатишмоқда. Ўрта тиббиёт ходимлари 155, кичик тиббиёт ходимлари эса 45 нафарни ташкил қилади. 300 қатновга мўлжалланган поликлиника ҳам тўлиқ фаолият олиб бормоқда. 40 ўринли стационар ҳам




Бундан ташқари, ҳудуднинг участка томони Қирғизистон Республикаси билан чегарадош бўлган туфайли қўшни мамлакат фуқаролари ҳам келиб, тиббий кўриқдан ўтишмоқда. Патронаж ҳамширалари ҳар бир хонадонга кириб, аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш, соғломлаштириш ишларини олиб боришяпти. Яқинда шифохонамизда “Соғлом аёл ойлғи”ни ҳам ўтказиб, хотин-қизларда қуқурлаштирилган тиббий кўрик амалга оширилди. Натижада бир неча касаллик аниқланса, шу ернинг ўзига бўлимларга ётқизиб, даволаб, соғломлаштириш ишлари олиб борилди. Ҳозирги кунда, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳамкор ташкилот ва идоралар билан тузган Қўшма қарори асосида худудимиздаги маҳаллалар-

ни бириктирилган бўлиб, 697 та хонадон, яъни 3 минг 581 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқдаман. 1 ёшгача бўлган болалар — 62, ўсимирлар — 904, туғруқ ёшидагилар 1035, ногиронлар — 92, боқувчисини йўқотганлар эса 4 нафарни ташкил қилади. Ҳозирда аҳоли орасида учраётган хасталиклар профиллактикаси, айниқса, туғруқ ёшидаги аёлларда кузатиладиган камқонлик касалликларини бўйича тарғибот ишларини олиб бораёلمиз. Яъни витаминга бой озиқ-овқатларни истеъмол қилиш, соғлом турмуш тарзига риоя қилишга доир тушунтириш бeryамиз. Шу билан бирга, “Саломатлик мактаблари” доирасида белгиланган

(Давоми 5-бетда).

АДОЛАТ ВА ҲАЛОЛЛИК БОР ЖОЙДА БАРАКА БЎЛАДИ



тартиб асосида ҳар ҳафтанинг шанба кун ҳудудимиздаги 43-сонли умумтаълим мактабида масъул шахслар, маҳалла фаоллари, ўқитувчи ва тарбиячилар билан ўтган ҳафта мобайнида қилинган ишларимизни муҳокама қилиб, келгусида ҳамкорликда бажариладиган фаолиятлар тўғрисида аниқ тақлиф ва режалар ишлаб чиқилади. Бу эса аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлашда, айниқса, уларнинг тиббий саводхонлигини оширишда ама-

лий кўмак бўлади, десам хато бўлмайди.

– Айни кунда кексалик гаштини сурмоқдам, – дейди **“Тинчлик” МФЙда истиқомат қилувчи Анваржон ота Аҳмедов.** – 4 нафар фарзандим, 7 нафар набирам бор. Қишлоғимизда қайта қад кўтарган ушбу шифохона ҳавас қилса арзигulikdir. Авваллари қишлоғимизда ҳам шундай шарт-шароитлари бор шифохона бўлишини ниёт қилар эдик. Яратганга шукрики, мана, 30 йиллик орзулар рўе-

бини кўрдик. Ана шундай адолат ва ҳалоллик бор жойда барака ҳамда унум бўлади. Бу ер нафақат даволаниш, балки дам олиш учун ҳам келадиган масканга айланди. Сабаби, ҳамширала-ру шифокорларнинг кўрсатаётган тиббий хизмати ва ҳушмуомалиги беморнинг тезда тузалишига ёрдам беради. Бир кун тўсатдан бетоб бўлиб қолдим. Шунда тез ёрдам чақирдим. Улар зудлик билан келиб, менга тиббий хизмат кўрсатишди. Бундан ортқ яна қандай шароит керак?

Турмуш ўртоғим, келиним, оила-миз соғлиги борасида доим қай-гуришади. Энди узоқ йўл босиб, туман ё вилоят марказига бориб юришимизга ҳожат қолмади. Қишлоғимизнинг ўзида шаҳардан қолишмайдиган тиббий хизмат йўлга қўйилди. Чекка қишлоқларда аҳоли, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилаётган бундай эътибор ва ғамхўрликдан миннатдоримиз. Халқ дардини ўйлаб, саломатлигини мустаҳкамлаш борасида олиб бораёт-

ган ислохотлари, ана шундай барча кулайликларга эга замонавий шифо масканини яратиб берганлари учун Юртбошимизга ўз ташаққуримизни билдира-ми.

Ҳа, ушбу саъй-ҳаракатлар халқ манфаатларига хизмат қилаётганини кўриб қувондик. Маҳаллий аҳоли тиббиётдан, соҳа ходимларидан мамнун. Бу эса мамлакатимизда инсон қадри ҳар нарсадан устун эканлигининг амалий ифодаси, десак муболага бўлмайди.

Жалақудук тумани

МАСЪУЛИЯТ ВА ЖИДДИЙ ЁНДАШУВ ЗАРУР

Хизмат сафарини вилоятнинг шимолий-шарқидида жойлашган Жалақудук туманида давом эттирдик. Маҳаллий аҳолига Туман тиббиёт бирлашмаси Марказий поликлиникаси ҳамда қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалари томонидан малакали ҳамда сифатли тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Жалақудук туман тиббиёт бирлашмаси фаолияти билан яқиндан танишиш чоғида муассасада Инвестиция дастури асосида қурилиш ишларининг жадаллик билан олиб борилаётганига гувоҳ бўлдик. Ушбу шифо масканида ички касалликлар ҳамда болалар бўлими қайта қад кўтармоқда. Улар ҳам замонавий апаратуралар билан жиҳозланиши кўзда тутилган.

– Ҳудудимизда 176 минг нафар аҳоли истиқомат қилади, – дейди **Жалақудук туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори ўринбосари Валижон Мирзакаримов.** – Туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 2 та оилавий поликлиника, 9 та қишлоқ врачлик пункти ва кўптармоқли поликлиникада фаолият юритаётган 209 нафар шифокор, 954 нафар ўрта тиббиёт ходими томонидан аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда. Кўриб турганимиздек, ҳозирги кунда муассаса-мизда қурилиш ишлари олиб бориламоқда. Инвестиция дастурига киритилган икки қаватли бино, яъни 80 ўринли жар-роҳлик ва 60 ўринли болалар бўлими барпо этилади. Авваллари ушбу бўлимларда кўпроқ муаммо ва камчиликлар кузати-ларди. Ҳозирда 9 нафар мута-хассис еттишмайди. Кадрлар тақчиллигини бартараф этиш мақсадида болалар кардиоло-г, инфекционисти, реаниматоло-г, аллергиялог мутахассисла-ри зарурлиги бўйича тегишли жойларга мурожаат қилганмиз.

Хабарингиз бор, пойтахти-миздаги Республика ихтисос-лаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг етак-чи мутахассислари худудларга бориб, маҳаллий соҳа ходим-ларининг малакасини ошириш-га доир маҳорат дарсларини олиб боришмоқда. Бунинг ба-рорабара, аҳолини шу жойнинг ўзида тиббий кўриқдан ўтказиб, мураккаб операцияларни амал-га оширишмоқда. Жалақудук

туман тиббиёт бирлашмаси шо-шилинч тиббий ёрдам бўлимида ҳам академик В. Вохидов номид-даги Республика ихтисослашти-рилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мутахассислари худди шу жараёнларни бажарёт-ганининг гувоҳи бўлдик.


– Ҳозирги кунда Президенти-мизнинг ташаббуслари билан барча ихтисослаштирилган ил-мий-амалий тиббиёт марказлари-дан махсус ходимлар олиш туман-ларга бориб, аҳолига ихтисос-лаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишмоқда, – дейди **академик В. Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази жигар ва ўт йўллари бўлими мудири Мак-суд Нишонов.** – Биз ҳам айни шу мақсадда келдик. Бу жуда ўринли, деб ҳисоблайман. Саба-би, барчанинг пойтахтга бориш-га ҳам ихтисоди, ҳам вақти бўлмайди. Биз ушбу худудга кели-б муаммоли касалликларни шу ернинг ўзида бартараф этмоқда-миз. Керак бўлса, ихтисослаш-ган операцияларни мазкур муас-сасида бажариш режалаштирил-ган. Бунинг учун шароитлар яра-тиб берилётганини ўзингиз ҳам кўрасиз. Тиббиёт ходимларин-инг ўзаро малака алмашиши ҳам асосий эътиборда. Нафақат марказий поликлиника, балки қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар муди-рлари, умумий амалиёт шифокор-ларига касалликлар профилак-тикаси, даволашда замонавий ёндашувлар тўғрисида маҳорат дарсларини олиб бордик. Шу би-лан бирга, тиббиётимизда зри-шлаётган ютуқлар, бажарилаёт-ган юқори технологик операци-ялар, жумладан, буйрак ва жи-

гар трансплантацияси борасида ҳам тақдиротлар қилдик. Ҳамма вақт мобайнида маҳаллий аҳоли-да учрайдиган ўт-тош касаллик-лари ва унинг асоратларини бар-тараф этиш борасида ҳам тиббий кўрик ўтказдик.

“УТТ апарати бор-у, шифокор йўк...”

...Ташқи кўринишдан таъ-мирталаб бўлиб қолган икки қаватли бу бино атрофида ҳам одам гавжум. Кимнингдир юзи-да ним табассум, яна биров эса бир-бирини қутлайпти. Англадик-ки, ушбу маскан Жалақудук ту-ман тиббиёт бирлашмасининг туғруқ бўлими. Муассасага кири-шимиз билан кулоғимизга янги туғилган чақалоннинг ширин йи-ғисини эшитилди. Шу пайт **Ўзбе-кистон аҳолиси сони яна биттага кўпайди. Келажақда Юрт тарақ-қиети учун муносиб ҳисса қўша-диган яна бир фарзанд дунёга келди.** Бахтиёр оилаларнинг би-рига ана шундай қувонч ҳада я эйтишда жонбозлик кўрсатган соҳа ходимлари, хусусан, бўлим мудири **Гулҳебра Исмановани** операция хонасидан чиққанида, унинг маҳорат кўрсатгани ва ма-шаққати юзида акс этиб туради. Тўғриси, мен журналист бўл-сам-да, ушбу ҳолатни қорозга ту-ширишга, сўз билан ифодалаш-га қаламим оғзиллик қилди. Она-нинг ҳаётини сақлаб қолиб, унинг зурриёдини дунёга келти-риш жараёнида беминнат хизмат қилган мазкур шифокорлар фа-олиятига тасанно айтасан, киши...

– Ҳозиргина олам юзини кўрган болакай 4 килограмму 300 грамм туғилди, – дейди **бизга муассаса фаолиятини таништиришда ҳамроҳлик қилаётган Жалақудук туман тиббиёт бирлашмаси туғруқ бўлими мудири Гулҳебра Исманова.** – Мазкур муассасада 20 йилдан буён акушер-гинеко-лог лавозимиди ишлаб келаман. Муассасамиз жами 100 ўринга, яъни туғруқ бўлими – 50, ХХБ – 20, гинекология эса 30 ўринга мўлжалланган. Туғруқ бўлимида 3 нафардан акушер-гинеколог ва неонатолог, 1 нафар реанимато-



лог фаолият юритмоқда. Бўлим-да кундузги реанимацион пост мавжуд бўлиб, шошилинч ра-вишда олиб келинган аёлларга малакали тиббий хизмат кўрса-тилмоқда. Барчамизга аёнки, бир-ор муассаса таъмирланаётган бўлса, маълум муддатга ўз фао-лиятини тўхтатади. Бу пайтда аҳоли бошқа шифо масканлари-га мурожаат қилади. Ҳозирда Қўрғонтепа ва Хўжабод туман тиббиёт бирлашмаларида ҳам реконструкция ишлари олиб бо-рилиши туфайли маҳаллий аҳоли бизнинг муассасага келмоқда. Шу боис, қўшимча хона ва ўрин-лар ажратиб, тайёрлаб қўйган-миз. Аммо табиийки, бу жараён-да айрим муаммо ва камчилик-лар юзага келади. Яъни, бемор-ларни шифохонага жойлашти-риш учун жой масаласи кўнда-ланг туради. Ҳозир ҳам шундай ҳолат кузатилмоқда. Сабаби, баъзан саломатлигида ҳавф юкори бўлган аёллар мурожаат қилади. Улар ёрдамга мурожа-тди. Тиббиёт тиббий хизмат кўрсати-лмаса, ҳам онага, ҳам туғилажак боланинг соғлигига путур етади. Айтмоқчиманки, бўлимда ўрин-лар сонини кўпайтириш керак. Чунки ҳозирги кунда бунга эҳ-тиёж сезилмоқда. Ҳозирда кун-ига 10 тача бемор мурожаат қи-лади. Тиббиётдан маълумки, ҳоми-ладор аёлни “дард туттиши” вақт танламайди, у кундузи ёки тунги пайтда ҳам кузатилиши мумкин.

– **Бўлимда тунги реанимаци-он пост мавжудми?**
– Афсуски, бизда бундай им-

лог фаолият юритмоқда. Бўлим-да кундузги реанимацион пост мавжуд бўлиб, шошилинч ра-вишда олиб келинган аёлларга малакали тиббий хизмат кўрса-тилмоқда. Барчамизга аёнки, бир-ор муассаса таъмирланаётган бўлса, маълум муддатга ўз фао-лиятини тўхтатади. Бу пайтда аҳоли бошқа шифо масканлари-га мурожаат қилади. Ҳозирда Қўрғонтепа ва Хўжабод туман тиббиёт бирлашмаларида ҳам реконструкция ишлари олиб бо-рилиши туфайли маҳаллий аҳоли бизнинг муассасага келмоқда. Шу боис, қўшимча хона ва ўрин-лар ажратиб, тайёрлаб қўйган-миз. Аммо табиийки, бу жараён-да айрим муаммо ва камчилик-лар юзага келади. Яъни, бемор-ларни шифохонага жойлашти-риш учун жой масаласи кўнда-ланг туради. Ҳозир ҳам шундай ҳолат кузатилмоқда. Сабаби, баъзан саломатлигида ҳавф юкори бўлган аёллар мурожаат қилади. Улар ёрдамга мурожа-тди. Тиббиёт тиббий хизмат кўрсати-лмаса, ҳам онага, ҳам туғилажак боланинг соғлигига путур етади. Айтмоқчиманки, бўлимда ўрин-лар сонини кўпайтириш керак. Чунки ҳозирги кунда бунга эҳ-тиёж сезилмоқда. Ҳозирда кун-ига 10 тача бемор мурожаат қи-лади. Тиббиётдан маълумки, ҳоми-ладор аёлни “дард туттиши” вақт танламайди, у кундузи ёки тунги пайтда ҳам кузатилиши мумкин.

– **Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда дори-дармон билан таъминланиш қай тартиб-да олиб борилади?**

– Муассасамизни дори-дар-мон билан таъминлаш даража-си юқори, деб айтма олмайман.

(Давоми 6-бетда).

(Давоми. Боши 1,-3,-4-бетларда).

Ҳамкорликдаги келишув

ҒОЛИЯТЛАР ТАКОМИЛЛАШУВИДА ЯНА БИР МУҲИМ ҚАДАМ

Жорий йилнинг 31 май кuni Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида навбатдаги йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбарияти, вазирлик аппаратининг аъзолари, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказлари директорлари, даволаш-профилактика муассасаларининг мутасаддилари, давлат санитар-эпидемиологик хизмати ходимлари ҳамда бирламчи тиббий-санитария тизими масъуллари иштирок этди.



ушбу фаолиятларга Президентинг томонидан давлатнинг устувор вазифалари даражасида эътибор қаратилаётганлиги ишлар кўлами ва сифатини оширишда, самарадорлигини таъминламоқда, деб ўйлайман. Албатта, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти инсон саломатлигини асрашга йўналтирилган бу каби фаолиятларни тўлақонли қўллаб-қувватлайди. Қолаверса, тиббийта маълумки, барча касалликлар назорати бирламчи тизим фаолияти билан бошқарилади. Шу боис, Ўзбекистонда бу борада ҳам режалар чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва улар ўзининг ижобий натижасини бermoқда. Амалиётга жорий этилиши илгари сурилиётган ушбу концепция лойиҳасини эса бу йўналишдаги фаолиятларнинг мантқий ва асосли давоми дейиш мумкин. Унинг амалиётга қўлланилиши тизим тараққиётида муҳим аҳамият касб этади ва бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти хар доим қўллаб-қувватлайди.

**Эльмира БАСИТХАНОВА,
Соғлиқни сақлаш
вазирлигини ўринбосари:**

Таъкидлаш керакки, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасида жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлаш тизими самарадорлигини янада оширишга оид ишлаб чиқилган концепция лойиҳаси Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонасига тақдим этилган эди. Улар ташаббуси билан ЖССТнинг нуфузли экспертлари эътиборига ҳовола этилиб, асосий кўринишда қабул қилинди. Бугунги йиғилишда шу вақтга қадар тўпланган барча умумий фикрлар махсус ҳамда мамлакатимиз мутахассислари иштирокида муҳокама қилинди. Ушбу ҳужжатнинг муҳимлиги ҳусусида тўхталиб айтиш муҳимки, концепцияда асосий 3



та долзарб мақсад белгилаб олинган. Биринчиси – ногиронлик ва эрта ўлимга олиб келадиغان асосий касалликларнинг олдини олиш, уларни даволаш орқали инсон умри давомийлигини узайтиришдан иборатдир. Шунингдек, мазкур мақсад таркибига секторлар орасида ҳамкорлик масалаларини кучайтириш, яъни аҳоли саломатлигини сақлашда барча жамоат ташкилотларининг иштирокини ошириш – ижтимоий химояни таъминлаш, ичимлик суви, экологик вазиятлар, давлат санитар-эпидемиологик ҳолатни яхшилаш, инсонга йўналтирилган тиббий хизмат, стационар ҳамда бирламчи тизим орасидаги мувофиқлик масалаларини мустаҳкамлаш, шу билан бирга, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш мақсадида тиббий

муассасаларининг моддий-техника базисини мустаҳкамлаш масаласи каби йўналишлар киритилган. Иккинчи мақсад, соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришни яхшилаш, яъни клиник менежмент ва клиник аудит масалаларини йўлга қўйишни ташкил этса, учинчи мақсад, соғлиқни сақлаш вазирлигининг бошқарувдаги ролини ошириш сингари вазифалар назарда тутилган. Шулардан, илк бор Президентимиз томонидан илгари сурилган секторлар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш ҳамда клиник менежмент ва клиник аудит масалалари шу кунгача соғлиқни сақлаш тизими амалиётида қўлланилмаган. Шу нуктаи назардан олиб қараганда концепция лойиҳасини ҳали бу борадаги ишларнинг бошланиши, деб қабул қилиш лозим.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда тиббий тизимини такомиллаштириш мақсадида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда, бу борада зарурий тажрибалар тўпланмоқда. Фаолиятлар таҳлили мунтазам муҳокама этилиб, тегишли хулосалар чиқариш баробарида, кўшимча вазифалар белгилаб олинмоқда. Ижрога йўналтирилаётган ҳар қандай метъерий ҳужжат ҳамда амалиётга татбиқ этилаётган замонавий усуллар, аввало, халқимиз саломатлигини асрашга хизмат қилиши кераклиги таъкидланмоқда. Мазкур мақсадларга эришишнинг мантқий асосларидан бири ҳисобланувчи концепция муҳокамаси сўнгида лойиҳанинг мукамал кўриниши вазирлиқнинг электрон сайти орқали умумхалқ муҳокамасига ҳам қўйилиши таъкидлаб ўтилди.

**Хасан АБДУҒАНИЕВ,
Суратлар муаллифи Акрам АБДУЛЛАЕВ.**

Тадбирини Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ашиер Шадманов кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан тиббий тизимига қаратилаётган эътибор, соҳага оид қабул қилинаётган қарор ва фармонлар ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган фаолиятларга тўхталиб ўтди. Шунингдек, тизимни янада такомиллаштириш мақсадида, бирламчи тизимда олиб борилган ислохотлар, кишлоқ врачлик пунктларининг оптималлаштирилиши натижасида кишлоқ оилавий поликлиникаларининг ташкил этилганлиги, бундан ташқари, аҳолига ихтисослашган тиббий хизматларни яқинлаштириш, бу борадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, ихтисослаштирилган марказлар фаолиятини ривожлантириш, шу маънода уларнинг моддий-техника базисини яхшилаш бўйича қилинаётган ишлар ҳусусида сўз юритди. Айниқса, кадрлар салоҳиятини ошириш, халқаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, хорижий мутахас-

**Лианн КУПЕНС,
Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг
мамлакатимиздаги
ваколатхонаси раҳбари:**

Сўнгги вақтда Ўзбекистон тиббиётида рўй бераётган ўзгаришларнинг кузатувчиси сифатида айтишим мумкинки, самарали натижалар, эътирофли кўрсаткичларга эришилмоқда. Қолаверса,

МАСЪУЛИЯТ ВА ЖИДДИЙ ЁНДАШУВ ЗАРУР



Берилаётганларини шошилиш ҳолатларда ишлатаямиз, ет-кизаямиз. Лекин бошқа вазиятларда эса... Беморлар ўзи билан олиб келишга мажбур бўлишди. Аммо бошқа кўрсатилаётган тиббий хизматлар бепул. 2012 йилда "Саломатлик-2-3" лойиҳалари асосида замонавий аппаратлар тақдим этилган. Хозирда 2 та функционал карават мавжуд бўлиб, яқин орада ҳар бир, яъни 7 та туғруқ залига ҳам берилиши режалаштирилган. Эътироф этишга арзиғулик, муассасамизда

туман миқёсида шу ернинг ўзиде миомалар, қин девори деформациялари, пластик, онкологик касалликларни бартараф этишда операциялар бажариляпти. Ви-лоятнинг етакчи шифокорлари келиб, маҳорат дарслари бўлиб, жарроҳлик амалиётларини ўтказишяпти. Аҳоли бундан мамнун, албатта.

Мазкур комплексининг биринчи қаватида жойлашган туғруқчача бўлган бўлимидаги шароитлар билан танишар эканмиз, бу ерда ишлайдиган соҳа ходимларининг ҳам, даволанаётган беморларнинг ҳам ҳолатини тушу-ниш зарур. Сабаби, ҳомилдор аёлларда экстрагенитал касал-

ликлар кечиши, доволаниши, тушқунликка тушиб қолмаслиги учун соҳа ходимларидан деонтологияга риоя қилиши талаб этилади. Муассасада бунга алоҳида эътибор қаратилган. Хар бир йўлакда эслатмалар мавжуд: "Илтимос, секинроқ гапиринг". Яна бир жиҳат, шифокорлар ҳомилдорлик даврининг хавфсиз ва меъёрида кечишида, соғлом фарзанд туғилишида муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун туғруқчача бўлган ҳолат бўлими талаб даражасида бўлиши зарур. Афсуски, мазкур бўлимида беморларга етарли шароитлар яратилмаган. Хоналар таъмирталаб бўлиб қолган. Иккинчи қаватда туғруқдан кейинги ҳолат бўлими жойлашган бўлиб, тинч ва осуда жойда чақалоқлар ором олмақда.

— 2000 йилдан буён ушбу муассасада ишлаб келаман, — дейди неонатолог Навбахор Ғафурова. — Туғруқ бўлимида иш-лашнинг ўзи бир бахт. Сабаби, оилаларга қувонч ҳадя этмоқда-ми. Ондаги шодлиқни кўриб, биз ҳам хурсанд бўламиз. Иш жараёнида бехатар оналик, она ва болага дўстона муносабатда бўлишга алоҳида эътибор қарата-миз. Чақалоқ туғилиши билан оптимал шароит яратиб бериш-га ҳаракат қиламиз. Қишда ис-сиқлиқни таъминлашга, туғили-ши биле ҳароратни 36,6 даража-дан туширмалик асосий вазифа-

миздир. Мутахассис сифатида айтмоқчиманки, ҳар бир чақалоққа алоҳида парвариш талаб этилади.

— 6 нафар фарзандим, 6 нафар набирам бор, — дейди Кўргонтепа тумани "Истиклол" МФЙда истиқомат қилувчи Ҳосиятхон Умаралиева. — Қизимни "дард тутғач", Кўргонтепа туманидан шу туғруқхонага олиб келдик. Шифокор ва ҳамширалар ҳушмуомалалик билан кутиб олишди. Кўли енгил доялар менга яна бир набира, қизимнинг иккинчи фарзандини дунёга келтиришда ёрдам беришди. Ҳозирда қизимнинг ҳам, зурриёдимнинг ҳам аҳоли яхши. Фарзанди анча соғлом, 4 килограмму 300 грамм туғилди. Қизимнинг саломатлигига алоҳида эътибор қаратдик. Шифокорларнинг беминнат ёрдами сабаб оиламизга яна қувонч ҳадя этилди.

Хулоса ўрнида

Андижон вилоятида амалга оширган хизмат сафаримиздан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, бугун андижонликлар ҳар жабҳада фаол. Соғлиқни сақлаш тизимини ҳам бошқичма-бошқич ислохотлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлдик. Лекин соҳада ечимини қутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас...

Андижон — Тошкент йўналиши бўйича пойтахт сари ҳаракатланган поезд жаннатмонанд юртимизнинг гўзал табии-ти, халқимизнинг қўлга киритаётган ютуқларидан яна бир қарра бахраманд бўлиш имконини берди.

**Жонибек МАЪРУПОВ,
Муаллиф олган суратлар.**

(Давоми. Боши 1,-3,-4,5 бетларда).

Эътироф

УМРИНГИЗ БУНДАН-ДА ЗИЁДА БЎЛСИН

Аёл оилада – меҳрибон она, уй бекаси, хонадон чирғи ва суюкли ёрдир. Жамиятда эса муқаддас сиймо, камтар ишчи, малакали мутахассис, раҳбар ҳамда тadbиркордир. Аёл шаънига айтилган ушбу ибораларни ҳар гал эшитганимда кўз олдимда уларнинг барчасини ўзида мужассам этган аёллар қатори тарих фанлари номзоди, «I даражали соғлом авлод ордени соҳибаси Хосият Аҳмедова сиймолари гавдаланади.

Қаҳрамонимиз оддий мактаб ўқитувчилигидан ҳалол меҳнати, касбига бўлган садоқати, ўзи ва атрофдагиларга талабчанлиги ҳамда ҳар бир ишга маъсулият билан ёндашиши туйғайли юқори мартабалага эришиши мумкинлигини исботлаган ўзбек аёли. Мен Хосият Маматовна билан илк бор 1980 йилда қайдан танишганман. Сабаби, мен шу йили Андижон тиббиёт институтидан област партия комитети томонидан Наманган тиббиёт билим юрти директори лавозимига ўтказилган эдим.

Опа ўша йиллари обкомда идеология котибаси лавозимида фаолият юритар эди. Гарчи улар ҳақида (ота-онани кўриш учун Наманганга келиб юганимда) фақат ижобий фикрлар эшитиб юрган бўлсам-да, биринчи бор қабулларига киришда бироз ҳаяжонланганман: қабул яхши ўтармикин, қандай гаплар эканлар, кейинчалик ҳам иш юзасидан билдирадиган фикр-мулоҳаза ва тақлифларимни тўғри тушуниб, ёрдам берармикинлар, деган уйга борганман. Бироқ, биринчи учрашувдаёқ айрим шубҳаларимдан уялганман...

Негаки, Хосият Аҳмедованинг бошқалар сингари оддий ва самимиийлиги менда катта таассурот қолдирган. Чунки шундай лавозимдаги аёл эгинда оддий ўзбекча тикилган кўйлақ, ҳашамдор тақинчоқлардан эса асар ҳам йўқ эди. "Биз сизга катта ишонч билдириб шу лавозимга тавсия қилдик, энди бор билимингиз, институтда олган тажрибангизни Наманган вилояти учун, ўрта бўғиндаги тиббий қоидалар тайёрлаш сифатини ошириш, билим юртимизни республика миқёсда етакчи таълим маскани қаторига чиқариш учун сарфлайсиз деган умидданман. Қандай ёрдам керак бўлса, тортинмай мурожаат қилаверинг, биргаликда

ишлаймиз", деб ўринларидан туриб мени эшиккача кузатиб қўйдилар. Ушбу қабулдан сўнг опа улар ҳақида олдин эшитганларимдан ҳам зиёда аёл эканликлигига амин бўлдим. Хосият опа фаолияти мобайнида таълим, маданият соҳалари билан бир қаторда вилоятда аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, ўрта бўғин тиббиёт ходимларини тайёрлаш, улар малакасини изчил ошириб бориш, тизимни такомиллаштириш, айниқса, оналик ва болаликни муҳофазга қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Улар узокни кўзлаб фикрлайдиган раҳбар эдилар. Шунинг учун ҳам мазкур билим юртини яқин 20 йил давомида бошқарган бўлсам, бор билим ҳамда тажрибам билан ана шу ишонччи оқлашга ҳаракат қилдим.

Эсимда, 1986 йилда мени Москвада ўтказилган Бутун иттифоқ аёллар анжуманига Республика руҳи таркибида делегат қилиб юборишган эди. Шу анжуманда бир акушер-гинеколог, профессор аёл ўзининг 40 йиллик тажрибасидан келиб чиққан ҳолда "Оилани режалаштириш" мавзусида кенг қамровли, ўта қизиқарли маъруза қилди. Имкониятим борича асосий жойларини қроғозга тушириб олдим. Наманганга қайтган, уларни минг ҳаяжон билан Хосият Маматовнага сўзлаб бердим. Бу борада биз ҳам иш олиб борсак яхши бўлар эди, деган тақлиф киритдим. Маърузанинг асосий ўзаги – оналар саломатлигини муҳофазга қилиш, соғлом онадангина соғлом фарзанд туғилиши, қизларни эрта турмушга беришдан, айниқса, қариндошлар ўртасидаги никоҳларга барҳам бериш, ногирон болалар туғилишининг олдини олишга қаратилган масалаларни иборат эди. Опа фикрларимни диққат билан эшитиб, яқин кунлардаёқ менга Москвадаги маърузадан ке-

либ чиққан ҳолда, худудимиздаги бу борада ҳолат қай аҳволда эканлигини ҳам инobatга олиб, маъруза тайёрлашимни, яқинда вилоят миқёсида катта йиғилиш ўтказилиши, унга барча мутасадди ходимлар, маҳалла комитети ва хотин-қизлар кўмитаси раислари тақлиф этилишини ҳамда бу йиғилишни ўзлари бошқаришларини айтдилар. Йиғилиш бир ҳафтадан сўнг ташкил этилди, ўша даврда бу йиғилиш қатнашчилари учун "Оилани режалаштириш" худди айримлар учун "томдан тараша тушгандай" таъсир қилди. Айрим кексалар "Ўзбек ҳалқи азалдан болажонли бўлган, энди қанча бола кўришимизни сўрашимиз керакми?" деган норози фикрини билдиришди. Бироқ, опа қатъият билан мутахассислардан иборат махсус гуруҳ тузилишига, уларни жаҳвал асосида вилоятнинг барча туманларида аёллар ўртасида, маҳаллаларда тушунтириш ишлари олиб боришга даъват этди. Зарурат туғилганда ҳисobot ҳам олиб турдилар, айрим учрашувларда ўзлари ҳам қатнашардилар. Қарангчи, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб оналик ва болаликни муҳофазга қилиш масаласи давлат сиёсати даражасига олиб чиқилди. "Соғлом она – соғлом бола", "Соғлом авлод – юрт келажоги" каби тушунчалар давлатимизнинг асосий шиориға айланди ва бугунги кунда бу борада кўлга киритилган муваффақиятлар эътиборга моликдир.

Хосият опа ҳар учрашувимизда ўша йиғилишни, албатта, эслаб ўтади ва бу борадаги эзгу ниятларимиз амалга ошигани ва бу жамият фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшаётганлигидан мамнуулигини айтиб ўтади. Ушбу инсоннинг меҳнат фаолиятлари даврида яна бир вилоят равнақи учун қилган катта бир ташаббуслари – Бу Косонсой (1981 й), Чуст ва Чортоқ (1984 й)да тиббиёт билим юртлири очишга бевоасита жонкуярлик қилганликларидир. Хосият Маматовна ўз ишчиларига нафақат устоз, балки онадек меҳрибон ва бу фазилатлар ҳозир ҳам уларни тарқ этган йўқ. Шу ўринда айтиш керакки, Хосият Аҳмедованинг нафақат ўзи, балки кўп сонли шо-



Ўзбек аёлининг тимсолидир Сиз

Ўзбек аёлининг тимсолидир Сиз, Наманган аёллари сардоридир Сиз, Таваллуд кунингиз муборак бўлсин, Умрингиз бундан-да зиёда бўлсин.

Сиз ахлоқ ва одоб намунаси Сиз, Камтарлик бобида қийси йўқ Сиз, Катта-ю – кичикка доим бирдай Сиз, Шу боис ҳамиша ҳурматдасиз Сиз.

Минглаб шогирдларга устоз бўлдингиз, Ҳеч кимдан меҳрингиз аямадингиз, Ёмоннинг ҳам яхши томонин англаб, Уни тўғри йўлга чорлар эдингиз.

Сизни таниган-у танимаганлар, Сиздан бениҳоя миннатдордирлар, Фарзандлар, шогирдлар ва қардонлар, Бугун дилдан Сизни қутламоқдалар.

Кўзларни қувонтириб юринг кўп йиллар, Сиҳат-саломатлик ҳамроҳ бўлсинлар, Бардавом бўлаверсин тинч-омон кунлар, 100 ёшингизда ҳам юрайлик қутлаб.

гирдлари ҳам эл ҳурматиға сазовор бўлиб, турли лавозимларда меҳнат қилмоқдалар. Хусусан, Дилшодахон Дадажанова, Муборакхон Бобохонова, Раҳимахон Обиджанова, Мавлудахон Жўрабоева ва бошқалар ҳақида шундай дейиш мумкин.

Бундан ташқари, айна пайтда ораимизда бўлмаса-да, бироқ хотираимизда абдий яшайдиган, опанинг содиқ шогирдларидан Дилбархон Зоҳидовани, Зоҳидохон Маллабаева, Раъно Йўлдошевларни доимо ёдда сақлаймиш.

Мухтасар қилиб айтганда, Хосият Аҳмедовани ҳақиқий ибрат соҳибаси, десак муболага бўлмайди. Сабаби, қаҳрамонимиз сингари чинакам эл-юрт фидойиси бўлган инсонлар сафи қанча кенгайса, юртимиз равнақи янада юксалиб, ҳаётимиз бундан ҳам фаровонлашиб бораверади.

Каримахон ИНАМОВА, Тиббиёт фанлари номзоди, Соғлиқни сақлаш ва халқ таълими аълочиси.

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИДА ОНА ТАРБИЯСИНING ЎРНИ



Ҳар қандай она фарзандига бўлган меҳри туйғайли, дилбандини гамхўрлик билан парвариш қилиб вояга етказишни ўзининг энг олий бурчи ва бахти деб билади. Ана шу меҳр туйғайли камол топаётган фарзандлар бағри бутун, баркамол, соғлом фикрли бўлиб вояга етадилар.

Фарзандига аввало меҳрини бериб, уларни одобли қилиб, комил инсонлар қаторига қўшиш оналарнинг муқаддас бурчидир. Дарҳақиқат, файласуф Жан Жак Руссо: "Илк тарбия ҳамма нарсадан устун бўлиб, у шубҳасиз аёллар зиммасидадир", – деган эди. Шундай экан, аёл оқила ҳамда оналик маъсулиятини ҳаммаш ҳис этадиган бўлса, ундай оилада тарбия кўрган болалар рисоладигидек инсонлар бўлишига шубҳа йўқ. Йиллар давомида захмат чекиб, гўдаклигидан илмли инсонни камолга етказиш она учун осон эмас. Шу боис, аёл ўз навбатида, турмушининг обод ва барқарор, эл кўрса ҳавас қиладиган бўлишида асосий сабабчи эканини ҳар доим ёдда тутмоғи лозим. Ҳар бир она фарзандини маънавий баркамол бўлиб вояга етишини орзу қилади. Ана шу орзу-умидлар рўёбга чиқишида, албатта, таълим-тарбиянинг ўрни беқиёсдир. Ёшларнинг одоб-ахлоқи, таълим-тарбиясига эътибор бериш энг муҳим масалалардан бири бўлиб, бунда ҳар бир

ота-она, қолаверса, таълим-тарбия берувчи устозлар масъул бўлишлари зарур. Таъкидлаш муҳимки, муборак ҳадисларда: "Болаларингизга одоб беринглар ва одобини чиройли қилинглар", дейилган бўлса, бошқа бир ҳадисда: "Ёшликда ўрганилган илм тошға ўйилган нақш кабидир", деган пурмаъно фикрлар айтилган. Соғлом бола тарбиясининг педагогик, тиббий-биологик, ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа қатор омиллари мавжуд бўлиб, уларга қўйидагиларни, яъни, оилада соғлом турмуш тарзи, қиз бола тарбияси, аёл – миллат келажоғи, қайнона мактабининг ўрни кабиларни киритиш мумкин. Шунингдек, ўз ҳаёти, маънавияти, ва келажоғининг бунёдкори бўлган бола шахсининг камол топишида оила муҳити ва соғлом турмуш тарзи биринчи навбатда эканлигини, ота-она эса оиланинг муқаддаслигини дилдан ҳис этиб, оилани асраб-авайласанга баркамол фарзандларни вояга етказиши шубҳасиздир. Ҳокимдориди фикрлардан ҳулоса қиладиган бўлсак, оналаримиз фарзандларини хушмуомала ростгўй, илмли ва ҳунарли, ватанга содиқ инсонлар қилиб етиштиришдаги энг асосий масъул шахс саналар экан, уларнинг бундай машаққатли ва фахрли ишларига омадлар тилаб қоламиз.

Маъмурахон САФОЕВА, Бухоро тиббиёт коллежи катта ўқитувчиси.

Анжуман

ТИББИЁТДА ЛОТИН ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги "Ўзбекистон Республикасида тиббиёт таълими тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, шунингдек, 2017 йил 29 ноябрдаги Юртбошимиз томонидан имзоланган "Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш" тўғрисидаги Фармони ҳамда "Фаол

тадбиркорлик, инновацион гоаяр ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" муносабати билан соғлиқни сақлаш тизимида истеъдодли, истиқболли ёшларни юқори интеллектуал даражада тарбиялаш, малакали бир неча ҳаҳон тилларини ўзлаштирган мутахассисларни етиштириш учун шароитлар яратишга катта эътибор қаратилмоқда.



Жорий йилнинг 6 июнь кuni Тошкент давлат стоматология институтида "Тиббиётда лотин тилини ўқитишда инновациянинг аҳамияти" мавзусида ўқув илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда хорижий давлат элчихоналари ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари, Ўзбекистон Миллий Университетлари профессорлари ҳамда тиббиёт олий ўқув юртлиари ва коллежларининг лотин тили ўқитувчилари иштирок этди. Тадбир Тошкент давлат стоматология институтининг ўқув ишлари бўйича проректори, профессор Маҳмуд Дўстмухамедов кириш сўзи билан очиб, ушбу анжуман илк бор ўтказилаётганлиги ва тиббиёт ходимлари фаолиятида лотин тили алоҳида ўринга эга эканлигини таъкидлади. Сўнгра, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг илм ва иннова-

цион ривожланиш бўлими бошлиғи Нигмон Хабиллов сўзга чиқиб, бугунги кунда тиббиёт олий таълим муассасаларида лотин тилини чуқурлаштирилган ҳолда ўқитишнинг ўқув-усlubий таъминоти алоҳида ўрин тутишини айтиб ўтди. Шунингдек, талабалардан лингвистик тафаккур ривожланишини эътиборга олган ҳолда ўқитиладиган лотин тилининг грамматик шакл ва категорияларини антиқ ўзлаштириш асосида таркиб топтириш, абстракт грамматик фикрлашни масофавий онлайн очиқ курсларида ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этишига эътибор қаратди. Германия элчихонаси Мададний алоқалар бўлими ходими Фрау Инна Сельденрейш, Ватикан давлати Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Еке Кардинал, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий ишлар бўйича проректори Г. Ба-

киева, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги бўлим бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори Б. Худанов, Ўзбекистон Миллий Университе-



ти профессори, филология фанлари доктори А. Маматов ва бошқалар жаҳонда тиббиёт соҳасининг жадаллик билан ривожланиши лотин тилини ўқитишга бўлган эътибни янада кучайтираётганлигини ҳамда тиббиётда ушбу тилнинг муҳимлиги тўғрисида тўхталиб ўтдилар.

– Дунё ҳамжамиятида тиббиёт тизимининг янада жадал ривожланиши табиий блок фанларини ўқитишга бўлган талабни кучайтирмоқда. Шундай экан, бугунги кунда тиббиёт олий ўқув юртлиарида лотин тилини чуқурлаштирилган ҳолда ўқитишнинг ўқув-усlubий жиҳати алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан, компетенциявий ёндашув асосида тиббиёт олий таълим муассасаларида лотин тили



тутининг тиббий педагогика факультети анатомия кафедраси доценти, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори Махсуда Исроилова «Лотин тилини ўқитиш жараёнида тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларини интеллектуал маданий ривожлантиришнинг дидактик асосларини такомиллаштиришда таълим ва тарбия назарияси ҳамда методикаси» мавзусида илмий диссертациясини ёқлаганлиги мазкур анжуманнинг мазмун-моҳиятини янада очиб берди, десак муболага бўлмайди. Чунки, тиббиёт илмини лотин тили тилсиз тасаввур этиш қийин. Шундай экан, бу каби изланишлар бўлажак тиббиётчилар фаолиятидаги муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Анжуман давомида институт раҳбарияти томонидан кўп йиллар давомида талабаларга лотин тилидан дарс берган фахрий устозлар тақдирланди. Куннинг иккинчи ярмида маҳорат дарслари ҳам ташкил этилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Тошкент давлат стоматология институтининг замонавий таълим соҳасида изчиллик билан олиб бораётган фаолиятларида бу каби кенг аудиторияли тадбирлар ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Ибодат СОАТОВА,
Суратлар муаллифи Ақром АБДУЛЛАЕВ.

Фан олимпиадаси

БИЛИМЛИЛАР ЎЗАРО БЕЛЛАШИШДИ

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда ҳар бир соҳани янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун тизимга инновацион технологиялар асосида янги ҳаҳон киритилиб, мутахассислар малакасини ошириш ҳамда юқори салоҳиятли ёш кадрлар тайёрлаш масаласига жиддий ёндашилмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг 17 май кuni Тошкент давлат стоматология институтида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан тиббиёт институтлари талабалари ўртасида физиология-патоология кафедраси бўйича ўтказилган республика олимпиадасининг II босқичи хусусида ҳам ана шундай дейишимиз мумкин.

Тадбир аввалида Тошкент давлат стоматология институтининг ректори Жасур Ризаев сўзга чиқиб, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар, ёшларнинг таълим олишлари учун яратилаётган имкониятлар, бу борада ўқув юртлиарида амалга оширилаётган ишлар

тўғрисида тўхталиб ўтди. Шундан сўнгра, олимпиаданинг 11 нафар иштирокчисига беллашув шартлари таништирилиб, ҳаққонийликни таъминлаш мақсадида уларга малакали мутахассислардан иборат кузатувчилар белгиланди.

Ойша АЛАВИЯ,
Тошкент давлат стоматология институтининг физиология-патоология кафедраси доценти:

– Фаолиятим давомида кўп бора фан олимпиадаларини кузатиш ва уларда масъул мутахассис сифатида бевосита иштирок этишга муваффақ бўлганман. Таълим, илм-фан, изланиш тўхтаб қолмагани сингари бу жараёндаги фаолиятлар ҳам давр талаблари асосида такомиллашиб бормоқда. Жорий йилги олимпиаданинг республика

лика босқичи Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари кўрсатмалари асосида Тошкент давлат стоматология институтининг ўтказилиши режалаштирилди ва институтининг физиология-патоология кафедраси масъул этиб белгилаб олинди. Физиология фани том маънода мазкур соҳанинг кириш қисми ҳисобланади. Чунки инсон организми бир бутун тизим. Шу боис, организмдаги ўзгаришларни билмай туриб нафақат даволаш, балки аниқ ташхис қўйишнинг ҳам имкони йўқ. Олимпиаданинг айнан нормал филология мутахассислиги бўйича ўтказилаётганлигининг сабаби ҳам шунда. Қолаверса, бу фан организмнинг нормал ҳолатини ўрганади ва ҳар бир бўлажак шифокор буни яхши билиши

лозим. Негаки, ҳар қандай касаллик белгиланган норманинг бузилиши оқибатида юзага келади. Олимпиада шартлари 4 босқич – тест саволлари ва вазиятли масала ечиш, ёзма иш топшириклари ҳамда амалий кўникмаларни бажариш кўринишида ўтказилмоқда.

Фан олимпиадасида Тошкент давлат стоматология институтининг талабасидан ташқари, Андижон, Самарқанд, Бухоро давлат тиббиёт институтлари, Тошкент тиббиёт академияси ва академиянинг Урганч шаҳар ва Фарғона вилояти филиали, Фармацевтика ҳамда Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг, шунингдек, Андижон давлат университети талабалари иштирок этди.

Натижаларга ҳайъат, адолат, шунингдек, комиссия аъзолари томонидан 100 баллик тизим асосида хулоса чиқаришди. Тадбир сўғида гоилилар диплом, сертификат ҳамда стипендия буюқотлари билан тақдирландилар.

Ҳасан АБДУҒАНИЕВ.

Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлбасмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март кuni рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 4505 нусха.
Буюртма Г-637.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚУШОҚОВ.

Босмаҳонага топшириш вақти – 20.00.